O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 17 апрель, шанба • № 31 (11.114) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси

Муҳтарам депутатлар!

Ўтаётган ҳар бир кун, тиним билмас вақт бизни XXI асрга тобора яқинлаштирмоқда.

Шу муносабат билан «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат эътиборимиз марказида турмоғи лозим?» деган саволларга жавоб излашга тўғри келади.

Бу ва бошқа кўплаб долзарб саволларга жавоб топиш учун биз бугун яна ва яна янги тарихимиз бошланган даврга мурожаат этишимиз, агар таъбир жоиз бўлса, кўз ўнгимиздан ўтказишимиз зарур. Чунки ўша даврда мустақиллигимизнинг тамал тоши қўйилди. Ўз ҳаётимизни обод қилиш, халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятларга, улкан тарихий меросга таянган, шу билан бирга, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, мамлакатимизни ўзимиз хоҳлагандек қуриш имконияти туғилди.

Ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур, деб ўйлайман.

Энг аввало, бизга мўрт, заиф, бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ва бой минерал хомашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолганини айтиш лозим.

Иқтисодий ривожланишнинг хомашёвий йўналишини, хомашёни оддий — содда қайта ишлаш қувватларининг ибтидоий даражасини, ишлаб чиқаришнинг четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларга буткул қарамлигини ҳисобга олсак, бу оғир меросниг ноқобил жиҳатлари янада ёрқин намоён бўлади.

Бу оғир меросниг яна бир хусусияти — республиканинг ёқилғи ва ғалла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари каби энг муҳим озиқ-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмоли товарларининг, тайёр маҳсулотларнинг четдан олиб келинишида яққол кўринади.

Мамлакатимиздан катта миқдордаги — етиштирилган пахта ҳосилининг аксарият ҳажми — моддий бойлик сув текинга ташиб кетилар эди. Олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик аҳамиятга эга материаллар, жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди.

Бундай вазият республикада ўткир ижтимоий, экологик муаммолар ҳал этилмаётган, нуфузи жадал суръатда ўсиб бораётган аҳоли турмуш даражаси жиҳатидан собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирида турган пайтда рўй бераётгани, айниқса, ачинарли эди.

Шундай улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакатни камситадиган оғир аҳволга солиб қўйиб, у қонуний, ҳақли равишда ўзига қарашли бўлган маблағни марказдан дотация сифатида сўраб, айтиш мумкинки, ёлвориб олишга мажбур эди.

Боз устига, ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини қўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожеасига айланиб қолган эди.

Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар таъқиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Хожа Аҳрори Валий, Абдухолиқ Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.

Бизга эски мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан қолган мерос асосан ана шулардан иборат эди.

Бугун ўша давр тўғрисидаги ҳақиқатни холисона айтадиган бўлсак, у замондаги ҳаётимизни жаҳон тарихи ва амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, у пайтда Ўзбекистон бирёқлама иқтисодиётга — Марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган яриммустамлака мамлакат қаторига айланган эди.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг ўзи кўп нарсаларга бизнинг кўзимизни очиб берди, кўп нарсага ўргатди. Собиқ Шўролар ҳудудидаги аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, биз баландпарвоз ҳавас ва шиорларга, ҳавойи кайфиятларга берилмадик. Бу касалликдан ўзимизни сақлай олдик. Чунки кўпчилик эски тузумни рад этиб, эски тизимни бузиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари дастурини эълон қилиб, ўзини ҳақиқий демократия тарафдори дея жар солишнинг ўзи янги ҳаёт қуриш учун етарли, деб ўйлади.

Ҳолбуки, бошқа халқлар тарихи ўзгача аччиқ ҳақиқатни тасдиқлайди: иқтисодий ривожланган, тараққий топган мамлакатлар халқлари бугунги ҳаёт даражасига етиш учун, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан, эркинликларидан ва бошқа неъматлардан тўлиқ фойдаланиш учун кўп-кўп йиллар, балки юз йиллаб тинимсиз ва машаққатли меҳнат қилганлар.

Биз эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслигини, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ўзимизга тасаввур қилишимиз ва ҳисобга олишимиз зарур эди.

Энг муҳими, янги ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, керак бўлса, пойдеворини қуриб олиш учун маълум вақт керак эди.

Янги демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунларни, демократик тушунчалар, мустақил давлатни бошқарув ва эркин иқтисодий тизим нормаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва кундалик ҳаётга тадбиқ этиш зарур эди. Энг асосийси, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, янгича фикрлайдиган одамларни тарбиялаш учун ҳам муайян фурсат керак эди.

Муҳими, одамларнинг эски тафаккур қолипларидан воз кечишларига эришиш керак эди. Улар инсонят тарихида ҳеч қачон бир тизимдан мутлақо янги тизимга ўтиш силлиқ кечмаганини, бунинг учун жамият доимо муайян қийинчиликларни бошидан кечириши табиий ва объектив ҳол эканини амалда англаб олишлари зарур эди. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тош-тарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзод бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт ҳузур-ҳаловатдан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, энг муҳими, халқимизнинг кайфиятини бузмаслик мақсадида, ўтиш даврида унинг бошига тушган оғир юк ва ташвишларни енгил қилиш, мураккаб синовларда ҳеч кимнинг бурнини қонатмасдан, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан тенг ва дўстона алоқа қуриб, босқичма-босқич сиёсат олиб боришга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нисбатан қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонни мустақил ривожлантириш борасида биз нималарга эришдик?

1. Аввламбор Оллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан мустақиллик ва истиқлолимизни қўлга киритиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий, минерал-хомашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

2. Мамлакатда сохта ғоя, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган собиқ Иттифоқнинг мустабид тизимига барҳам берилди. Маълумки, аввал зикр этилганидек, бу тизимда Ўзбекистон фақатгина хомашё базаси, бошқача айтганда, ярим мустамлака ўлка эди.

3. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлдик.

4. Ана шу асосда давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизимини барпо этишга эришдик. Жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди.

5. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрни ошишига хизмат қиладиган, унинг манфаатларига мос келадиган ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шаклланди ва изчил амалга оширилмоқда.

6. Мамлакатимизнинг сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди. Давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин этувчи мутлақо янги асосдаги тизим яратилди.

7. Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди.

8. Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз — бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда.

9. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. Иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланмоқда.

Йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикаларнинг қурилгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришилгани, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётидаги сезиларли ижобий ўзгаришлар — буларнинг бари биз танлаган тараққиёт моделининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллардир ва бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

10. Одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ортиб бормоқда. Кишиларимиз онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Бу йиллар давомида биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ — бу аҳолининг фаоллиги ошаётгани, ҳаётимизни ислоҳ этиш ва янгилаш зарурлигига, мамлакатимизнинг келажагига бўлган қатъий ишончидир.

Ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларнинг мана шу оддий рўйхати замирида, аввало ўтиш даврининг асосий тамойил ва устувор йўналишларини шакллантириш борасида амалга оширилган катта ишлар, бугуни ва келажагини ўз кўли билан бунёд этаётган миллионлаб ватандошларимизнинг иродаси, ақл-заковати ва фидокорона меҳнати ётибди.

Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги зарур. Мен яна ва яна бир карра халқимга таъзим қилиб айтмоқчиман: энг оғир, энг мураккаб пайтларда, дамларда ҳам танти, бардам, меҳнаткаш халқимиз менинг энг ишончли таянчим ва суянчим бўлган ва, иншоолло, келгусида ҳам шундай бўлиб қолишига аминман.

Азиз ватандошлар!

Шу йил 16 февраль куни Тошкентда рўй берган фожеали воқеалар кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди, деса, ўйлайманки, сизлар менинг бу фикримга қўшиласиз. Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамизда Ўзбекистон мустақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз. Бундай кирдикорлардан мақсад — мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринишдир.

Бошқача айтганда, бундан мақсад халқимизнинг фаровон ҳаёт қуришга бўлган интилишини, изчил ривожланишимиз ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги эзгу ниятларимиз пойдеворини барбод этишдан иборатдир. Ана шу фожеали воқеаларнинг асосий сабаблари ҳақида тўхталар эканман, мен сизларнинг эътиборингизни очиқ-ойдин турган иккита хавф-хатарга қаратмоқчи эдим:

Биринчи. Мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар.

Иккинчи. Биз шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керакки, ҳали-ҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд.

Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир карра таъкидламоқчиман: бугунги кунда ҳам агар бирор кимсанинг хаёлида бизни танлаган йўлимиздан оғдириш, хонадонимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш истаги бўлса, билиб қўйсинки, энди кеч бўлди. Бизга тазйиқ ўтказиш, турли хил бузғунчилик, портлашлар, террористик ҳаракатлар билан мамлакат раҳбарини маҳв этиш, ҳаётимизни издан чиқариш, олдимизга қўйилган мақсадлардан чалғитишга уриниш вақти ўтди.

Тарихни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди. Етти йил ичида иқтисодиётни, жамиятнинг ўзини янгилаш ва ислоҳ қилиш, ўзгаришлар ортга қайтариб бўлмас жараёнга айланди. Биз буни тўла ишонч билан айта оламиз.

Ёшидан, миллатидан, динидан қатъи назар, мамлакатимизда истиқомат қиладиган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати кейинги йилларда халқимизнинг ўзлигини англаши, мустақил, эркин давлат, демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродаси нечоғли кучли эканини яна бир карра тасдиқламоқда.

Ўтказилаётган янгиланиш ва ислоҳотлар йўлини, амалга оширилаётган барча ўзгаришларни халқимиз қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда. Биз Ўзбекистон халқини ҳеч нарса билан қўрқитиб бўлмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Чунки ўтган давр мобайнида одамларнинг ўзи, уларнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати мутлақо ўзгарди.

Барчага мана шу оддий ҳақиқат аён бўлиши керак: ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди.

Биз яна шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, Ўзбекистоннинг мустақилликка интилиши, мамлакатимизда ўтказилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар йўли халқаро ҳамжамият, биз билан ҳамкорлик қилаётган хорижий мамлакатлар, компаниялар, фирмалар ва банклар томонидан астойдил қўллаб-қувватланмоқда. Буни жаҳон ҳамжамиятининг муносабатидан, деярли барча хорижий мамлакатлар раҳбарлари бизни қўллаб-қувватлаётганидан ҳам билса бўлади.

Кўплаб хорижий шерикларимиз — ишбилармон доиралар вакилларининг бизга изҳор этаётган хайрихоҳлиги ва мадади шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси Ўзбекистонда бугун ўз бизнеси билан шуғулланмоқда ёки шуғулланишни истайди. Улар бизга бўлган хавф-хатарга қарши мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш билан жавоб бермоқдалар. Ўзбекистондан минглаб километр узоқликда яшаётган, ўзбек халқини чин дилдан қўллаб-қувватлаётган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати ҳам юқорида зикр этилган фикрни тасдиқлайди.

Менинг номимга келаётган минглаб хатлардан бирини сизларнинг эътиборингизга мисол тариқасида ҳавола этмоқчиман: «Менинг исмим Андерс Твейгард. Мен сизни қўллаб-қувватлашимни изҳор этиш мақсадида Норвегиядан мактуб йўлламоқдаман. Сизнинг сиёсатингиз ҳақида кўп ўқийман, мамлакатингиз тараққиёти учун амалга ошираётган ишларингизни юксак қадрлайман. Шу фурсатдан фойдаланиб, менга ўз дастхатингиз билан суратингизни юборишингизни сўрайман...»

Мана шу оддий мисолнинг ўзи бизга кўрсатилаётган хайрихоҳлик ва ҳурмат-эҳтиромнинг бир кўриниши эмасми?!

Оғир кунда бизнинг кўнглимизни кўтарган, қурбон бўлганларнинг, бегуноҳ кетганларнинг оилаларига ҳамдардлик изҳор этган, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва бозор иқтисодиёти ўзгаришлари, жамиятни янгилаш йўлини қўллаб-қувватлаётган хорижлик дўстларимизга чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун, янги мингйиллик арафасида, бутун маърифатли дунё ўз тараққиёт истиқболлари, стратегиясини белгилаб олмоқда.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган янги мустақил давлатлар учун бу вазифа алоҳида маъно-мазмун касб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни ўзгартириш борасидаги ишлар натижасини холис баҳолаш, устувор йўналишлар ва бундан кейинги ривожланиш стратегиясини шакллантириш янги аср бўсағасида турган кўпгина давлатлар учун хос бўлган умумий хусусиятдир.

Шу йилнинг охирларида Ўзбекистонда ҳокимият олий органларига сайлов ўтказилишини ҳисобга олсак, бу вазифа биз учун ҳам нақадар муҳим эканлиги аён бўлади.

Такрор-такрор айтмоқчиман: жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий — эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини — менталитетини инобатга олсак, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир.

Шу нуқтаи назардан, ҳаётнинг ўзи, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни янгилашнинг «ўзбекча модели» танлаган йўлимиз ва тамойилларимизнинг тўғри эканини кўрсатмоқда.

Ислоҳотларнинг айнан босқичма-босқич амалга оширилиши, демократик ва бозор ислоҳотларини кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза қилиш билан уйғун олиб борилиши ижобий натижалар бермоқда. Бу ҳол, менинг назаримда, сиёсатимизнинг қўллаб-қувватланиши ва эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Ютуқларимизга, энг аввало, ислоҳотларнинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишига таянган ҳолда, уларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олишимиз

(Давоми 2-бетда).

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

ШУ йилнинг 14-15 апрель кунлари Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошқарди.

Сессия қатнашчилари 16 февраль куни пойтахтда содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида ҳалок бўлган бегуноҳ кишиларни бир дақиқа сукут сақлаб хотирладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессияда жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа томонларини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

Сўзга чиққан депутатлар Президентимиз томонидан баён қилинган ислоҳотларни чуқурлаштириш, XXI аср бўсағасида жамият ҳаётининг барча томонларини янада эркинлаштириш дастури ва устуворликларини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Парламентнинг кечки мажлисида «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун иккинчи ўқишда кўриб чиқилди ва қабул қилинди. Шунингдек, депутатлар «Лизинг тўғрисида»ги Қонунни ҳам қабул қилдилар. Шундан сўнг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири иккинчи ўқишда муҳокама этилди ва қабул қилинди. «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул этилди. Кейин «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Депутатлар муҳокамадан сўнг ушбу қонунни ҳам маъқулладилар.

Сўнгра «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этилди. Муҳокамадан сўнг мазкур қонун ҳам қабул этилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясининг иккинчи куни депутатлар эътиборига «Баҳолаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳавола этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг бозор муносабатларини ривожлантириш учун муҳимлигини, ҳужжат устида ишлашни давом эттириш зарурлигини таъкидлади. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг «Темирйўл транспорти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Олий Мажлис «Архивлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳужжатни муҳокама этиш чоғида чет эллардаги хазиналарда сақланаётган ва миллий бойлигимиз бўлган кўп сонли архив материалларини Ўзбекистонга қайтариш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида давлат аҳамиятига эга бўлган баайни шундай масалалар билан шуғулланувчи махсус комиссия тузишни таклиф қилди. Шундан сўнг депутатлар «Архивлар тўғрисида»ги Қонунни маъқулладилар.

«Ўрмон тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда халқ вакиллари муҳокамасига қўйилди. Қатор мулоҳазалар билдирилганидан сўнг мазкур қонун ҳам қабул этилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритдилар, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1999 йил биринчи чорагидаги ижроси ҳақида молия вазирининг ахборотини ҳамда қўмита раисининг қўшимча маърузасини тингладилар.

Олий Мажлис сессиясида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўзининг ўтган йилги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Сессияда Олий Суд ва Олий Хўжалик судининг айрим судьялари сайланди. Қонунчиликда Олий Мажлис ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга

ЯНГИ КОРХОНА ТАҚДИМОТИ

Каолин — қимматли хом ашё. Ундан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш мумкин. У Ангрен кўмир конларида ёқилғи билан бирга қазиб чиқарилади. Аммо, ундан шу вақтгача деярли фойдаланилмади. У тоғ-тоғ бўлиб уюлиб, катта ер майдонларини эгаллаб ётди. Бугундан бошлаб эса уни саралаш йўлга қўйилади.

Шу мақсадда барпо этилган Ўзбекистон — Америка «Каолин» қўшма корхонасининг биринчи навбати бугун ишга туширилади. У йил давомида юз минг тонна каолинни қайта ишлаш имконини беради. Бу салкам икки йил давомида ўзбек ва немис мутахассислари ва бинокорлари ҳамкорликда олиб борган яратувчилик меҳнатининг дастлабки самараси бўлди. Уни бунёд этиш ишлари ҳали давом этади. Йил охирига бориб, иккинчи навбат ишга тушади. Натижада, қўшма корхонанинг умумий ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошади.

Бугун қўшма корхонада биринчи навбатини ишга туширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтади.

(Корхона тақдимоти ҳақидаги ҳисобот газетанинг келгуси сонида берилади).

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ: ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

ПАХТА учун ажратилган 7640 гектар майдонга асосан «С-6524», шундан 1560 гектарга эртапишар «Тошкент-6» нав чигит экилди. 2100 гектар ерга экиш билан бир вақтда гербицид сепилди. 2300 гектардан эиёд майдонга бирйўла ўғит солинди. 560 гектарга туксизлантирилган чигит қадалди. 520 гектарга эса чигит пуштага экилди.

Экишни биринчилар қатори туғаллаган А. Ортиқов номли, Н. Ниёзов номли, «Қовунчи» жамоа хўжаликларида чигит униб чиқиб, ишлов беришга киришилди.

Самад ЙЎЛДОШ.

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

керак. Шуни унутмайликки, бундан саккиз йил муқаддам бошланган янгиланиш жараёнининг ютуқлари, халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратиш, олдимизга қўйган мақсадларга етишмоғимиз — буларнинг барчаси истиқбол режаларини нечоғли аниқ, оқилона ва энг муҳими, реал белгилаб олишимизга боғлиқ.

Шундай қилиб, XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада **эркинлаштириш**. Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланади.

Шу билан бирга, табиийки, биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда, эркинлаштириш тамойилини кенгайтириш соҳасидаги асосий йўналишларни белгилар эканмиз, диққат-эътиборимизни кўпроқ қайси вазифаларга қаратишимиз зарур?

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

Шу маънода ҳокимият тузилмаларига бўладиган навбатдаги сайловлар жамиятни эркинлаштириш ва демократик ислоҳотлар йўлида сиёсий тизимимиз учун катта синов бўлади.

Сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабларига қатъий таянган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро амалиёт меъёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади — биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир.

Иккинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иммонийродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан.

Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир.

Учинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур.

Тўртинчи устувор йўналиш — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак.

Бешинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман.

Аммо минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига хавф солиши мумкин бўлган кучларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақазо этмоқда. Мазкур вазифаларни бажарган тақдирдагина биз фаровон турмушга, адолатли ҳаётга эришамиз, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрнимиз ва нуфузимиз бўлади.

Азиз ватандошлар!

Мазкур йўналишлар ҳақида гап борар экан, албатта биз учун бу ишлар янгилик эмаслигини айтиб ўтмоқчиман. Гап, аввало, аллақачон бошланган ислоҳотлар моҳиятини янада теранроқ идрок этиш ва уни чуқурлаштириш, тараққиёт ва ривожланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз гарови — муҳим йўналишларни муайян шароитларда рўёбга чиқариш ҳақида бормоқда.

Мазкур вазифаларни бажариш ва энг аввало, жамиятни янада эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш учун нима қилишимиз, диққат-эътиборимиз, имкониятларимизни нималарга қаратишимиз керак?

Энг аввало қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва, энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак.

Аҳолимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон суст эканини қайта-қайта айтишга тўғри келмоқда. Тан олишимиз керак: эски андозалардан тўлиқ қутила олмаяпмиз. Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор-йўғи итоатгўй ижрочиларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар қурбонига айлантирган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечяпти.

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак.

Ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор.

Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — **партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини** мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Бу гап аввало партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидан муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин.

Бунинг учун аввало партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши курашаётганларини аниқ-равшан тасаввур этишлари зарур.

Барча демократик давлатларда бўлганидек бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, гоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Сўнгги беш йил ичида жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1500тага кўпайиб, бугун уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Бугун сессияда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун муҳокама этилади ва биз уни яна бир бор танқидий кўз билан баҳолашимиз зарур. Муҳими шундаки, қонун асосида ташкил этилаётган нодавлат ва жамоат ташкилотлари фақат хайрия ва мурувват муассасаларига айланиб қолмасин. Тўғри, бу хайрли ишлар ҳам жамоат ташкилотлари фаолиятининг бир жиҳати, лекин асосий томони эмас. Уларнинг бош вазифаси — энг аввало, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак, асло муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор.

Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди.

Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Биз-нинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ.

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур. Шундай экан, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражасининг юқорилигича қолаётгани, рўйхатга олинган ишсизларнинг анча қисмини ёшлар ташкил этиши бизни ташвишга солмай қўймайди.

16 февралдаги фожеали воқеаларнинг иштирокчилари асосан ёшлар экани бизни айниқса ташвишлантиради. Бизнинг беғам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар жиноий гуруҳлар, экстремистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган.

Бу аввало сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишидаги катта камчиликларни кўрсатади. Мен бу масалада давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари барча бўғинлари раҳбарларининг айби борлигини таъкидлашга мажбурман.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида гапирганда Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган — **ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратиш тамойили** амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи олий орган — Олий Мажлис бор, сайлаб қўйиладиган маҳаллий ваколатли органлар — Кенгашлар бор, Президент бор, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари бор, тегишли ваколатга эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари бор. Ҳокимлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари бор. Табиийки, ана шу тизимнинг ҳаммаси, ундаги ҳар бир ҳокимият тузилмаси ўз вазифаларини аниқ бажариши ва ягона пировард мақсадни — халқ иродаси ва умидларини рўёбга чиқаришни кўзлаб ишлаши керак.

Келинг, ўзимизга шундай савол берайлик: бу тизим қанчалик самарали ишламоқда, бу тизимнинг ҳар бир бўғини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ва бурчларини қандай бажармоқда?

Тўрачилик, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, порага сотилиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда?

Бу муаммоларни ечиш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим:

биринчидан, давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш. Бу тўхтовсиз давом этадиган жараёндир;

иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш. Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим;

учинчидан, ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириш лозим.

Бир мисолни олиб кўрайлик. Мамлакат парламенти — Олий Мажлис Конституцияга мувофиқ бизда Президент таклифи бўйича бошқа мамлакатлардаги каби фақат Бош вазирнигина эмас, балки ҳукуматнинг бутун таркибини номма-ном сайлайди. Лекин ҳукумат аъзолари парламент томонидан уларнинг фаолияти мунтазам назорат қилинаётганини ҳис этяптими ёки йўқми?

Афсуски, жойларда ҳам худди шундай аҳвол мавжуд. Маҳаллий Кенгашлар — ваколатли органлар томонидан сайланадиган биринчи шахслар — ҳокимлар ҳамда ҳокимликлар таркиби депутатлар олдида ўзлари мунтазам ҳисобот беришлари лозимлигини қанчалик сезишяпти? Бу борада ҳал этиш зарур бўлган жуда катта муаммо мавжуд.

Биз олдимизга фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйганмиз.

Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш кўзда тутади.

Давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак.

Стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим.

Қолган барча вазифалар ва айниқса, биринчи навбатда, бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак. Айни шу йўл билан биз фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этишимиз мумкин.

Қонун нуқтаи назаридан қараганда маҳаллий органлар, янги қонунлар қабул қилингач фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ваколатларга эга бўлди. **Энди энг муҳим вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратишдир.**

Биз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг даромадларини шакллантирувчи манбаларни мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади.

Бугунги кундаёқ солиқ тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган барча маҳаллий солиқлар ва йиғимларгина эмас, умумдавлат солиқларининг анчагина қисми ҳам маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда. Натижада давлат бюджети барча даромадларининг 62 фоизидан кўпроқ қисми маҳаллий бюджетлар улушига тўғри келмоқда. Энг муҳими эса, барча бюджет харажатларининг 58 фоизидан кўпроғи маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилмоқда.

Жамоат идораси бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ресурсларини мустаҳкамлашда шу органлар орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланаётган катта миқдордаги бюджет маблағидан ташқари, тадбиркорликни фаол ривожлантириш, кичик корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотларини барпо этиш ҳисобидан тушадиган маблағни кўпайтиришни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. «**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

Ҳурматли депутатлар!

Суд-ҳуқуқий соҳасига дахлдор ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз.

Ҳар қандай суд жараёнида, жиноий иш кўрилаётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради.

Бундан ҳулоса қилиб айтиш керакки, суд тизимини ислоҳ қилиш аввало **ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак**.

Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. **Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади.**

Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш учун суд-ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш учун Олий Мажлис ҳузурида — парламентда доимий ишлайдиган ваколатли комиссия тузишни зарур деб биламан. Бу комиссияга тегишли ваколатларни бериш керак.

Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор.

Оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораётганини ҳозир ҳеч ким инкор этолмайди. Бу жараённи биз табиий ҳол деб қабул қилмоқдамиз. Бугунги кунда нашрлар сони кўпайибгина қолмасдан — ҳозир 490та газета ва 138та журнал рўйхатга олинган — жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг аҳамияти ва тутган ўрни ҳам ортиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур. **Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.**

Оммавий ахборот воситалари ҳамиша жамоатчилик фикрига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган фаол қурол бўлиб келганини унутмаслигимиз керак. Шу сабабли журналист кадрларнинг, қалами ўткир, демак, одамларнинг қалбига кириб бора оладиган кишиларнинг масъулияти каттадир. Биз журналистлар аҳли сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг ватанпарвар кишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор.

Азиз дўстлар!

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак.

Бу хусусда мен қуйидагиларни амалга оширишни таклиф қиламан.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш.

Инсоний мезонлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари бўйича Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим. Республика минтақаларида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, Омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.

Янги халқаро шартномаларга қўшилибгина қолмай, шу декларациялар бўйича зиммамизга олган халқаро мажбуриятларни бажаришнинг, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бу декларациялар талабларига сўзсиз риоя қилишининг механизмини қонун йўли билан ишлаб чиқиш зарур.

Учинчидан, фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур.

Энди иқтисодиёт масалаларига ўтсак.

Бу соҳада **биринчи галдаги** асосий вазифа — **мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни — хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак.**

Бу устувор вазифани бажариш мақсадида биз пайчилик муносабатлари орқали, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқда эгалик туйғусини қайта тиклаш юзасидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорларимиз ҳаётда тўла рўёбга чиқиши учун барча ишни қилишимиз лозим.

Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим.

Тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, кредит олиш йўлида мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Уларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш даркор.

Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаблари тармоғини вужудга келтириш зарур.

Энг муҳими эса, биз, иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнес муносиб ўрин эгаллашига, керак бўлса, ҳал қилувчи ўринни эгаллашига, яқин икки-уч йил ичида кичик ва **хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказишга эришмоғимиз лозим.**

Иккинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш **ҳақиқий рақобат муҳитини** шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир. Биз «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилганмиз, лекин у амалда иш бераётгани йўқ. Статистика маълумотларига қараганда, эндиликда давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига дуч келяпмиз.

Аҳвол шундай экан, қонун ва кишилар манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган Монополиядан чиқариш қўмитаси, солиқ органлари, прокуратура нима билан шуғулланмоқда, деган савол туғилади. Афсуски, улар бу масалалар билан жиддий шуғулланишмаяпти. Натижада ишлаб чиқаришга, энг муҳими эса, истеъмолчига, одамларнинг манфаатларига зарар етмоқда.

Хўш, бу соҳада аҳволни ўнглаш учун нима қилмоқ керак? Аввало, монополияга қарши қонунни кучайтириш, монополия тузилмаларини камайтириш ва тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш лозим. **Табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор.**

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида сўз юритганда, **бозор инфратузилмасини ривожлантириш**, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси — фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз.

Шу жиҳатдан қараганда, банк тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштириш, фонд бозорини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқаро ярмарка савдоси билан шуғулланадиган республика марказини барпо этишни ниҳоясига етказиш, ташкил этилган улгуржи бозорлар фаолиятини яхшилаш зарур. Хулласи, бозор инфратузилмасини барча даражада изчиллик билан шакллантириш амалий ва қонунчилик фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи керак.

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Мен бу соҳани бошқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб кетган, деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз, Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришмоғимиз даркор.

Шу билан бир вақтда биз иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш учун, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфида чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок этиши учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштиришимиз лозим.

Бешинчидан, валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарур. Биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорий банкларнинг роли ва масъулиятини ошириш ҳисобидан, 2000 йилдан бошлаб миллий валютамизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди. Бу тадбир мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир.

Олтинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш аввало давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашишни чеклаб қўйиш билан боғлиқ. Бу соҳада текширишлар ва тафтишлар сонини кескин чеклаб қўядиган маълум қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳозир ҳам корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш фикридан қайтма

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга қадар биз республикамизда 1611та касб-ҳунар коллежи ва 181та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу тўққизинчи синфларни битирувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлайди.

Яна бир бор таъкидлаб ўтишга тўғри келади: амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг тақдири шу масалага, яъни кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқлигини биз аниқ ва равшан англаб олишимиз лозим. Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб биладиган ҳар бир киши бу Дастурни амалга оширишга ўз меҳнатини, ўз улушини қўшади, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Демократик ва бозор ислоҳотлари ҳамда янгиланиш йўлида қилаётган барча ишларимиз халқимиз манфаатларини кўзлаб, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилиши лозимлигини мен қайта-қайта таъкидлаб келаман.

Мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, биз, энг аввало, **ҳозир яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баравар оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишга ҳақлимиз.** Иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг бошқа омиллари билан қўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баравар оширишга имкон беради.

Иккинчидан, аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш зарур. Бунинг учун пулнинг қадрсизланишига қарши қаратилган қатъий чораларни кўриш ва яқин беш йил ичида пулнинг қадрсизланиш даражасини йилига 6-8 фоиз камайишига эришиш зарур. Асосан мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини кундалик зарур товарлар билан мунтазам ва ишончли тарзда тўлдириш чора-тадбирларини амалга ошириш даркор. Шу мақсадда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида истеъмол товарларининг улушини яқин беш йил ичида 50 фоизга етказиш зарур.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади. Давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган кишилар ва оилаларгина ижтимоий ёрдам олишлари лозим.

Тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш зарур. Шундагина биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқликни ва адолатни таъминлай оламиз. Энг муҳими эса, шу мақсадлар учун ажратилаётган катта маблағдан самарали фойдаланишни таъминлай оламиз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органлари яқин беш йил ичида ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва махсус муолажа билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлар интернатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур.

Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш лозим.

Шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича болалар ногиронлигининг олдини олишни, уларга тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўргатиш ва сўнгра ишга жойлаштиришни кўзда тутадиган махсус **давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.**

Бу ишларнинг ҳаммасига хайрия ташкилотларини, давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларни, тадбиркорлар ва ҳомийларнинг маблағини кенг жалб этиш лозим.

Тўртинчидан, аслида, бу вазифани биринчи қилиб қўйиш ҳам мумкин, меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш керак. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини қондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамаси барча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда 2000-2005 йилларда аввало қишлоқ жойларда, ислоҳотлар давомида қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолаётган ортиқча ишчи кучларини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда молиявий манбалар билан мустаҳкамланган **янги иш жойларини барпо этиш дастурини ишлаб чиқиши лозим.**

Шу билан бир вақтда жойларда ишсиз сифатида рўйхатга олинган кишиларни ҳудудларни ободонлаштириш, йўллар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга доир ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига кенг жалб этиш лозим.

Бешинчидан, ижтимоий инфратузилмани аввало қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, **аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган давлат дастурини бажариш лозим.** Яқин беш-етти йил ичида мамлакатнинг барча аҳоли пунктлари сифатли ичимлик сув билан таъминланиши зарур. 2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизга етказилиши керак. Буниг учун 1999-2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрга яқин газ тармоқларини, 18 минг километр сув қувури тармоқларини ишга туширишиз даркор.

Халқ фаровонлигини барқарор, муттасил оширишни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни устувор йўналиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислоҳотлар фақат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг фаровонлиги учун амалга оширилади, деган асосий қоидамизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Сизларнинг эътиборингизни Қуролли Кучларни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич, чуқур ислоҳ қилиш масалаларига қаратмоқчиман.

Армияни ислоҳ қилишнинг моҳияти нималардан иборат?

Биринчи. Мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидларни таҳлил этиш биздан **мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни тақозо этади.**

Шу мақсадда мамлакат ҳудудида ҳарбий-маъмурий бирликлар — ҳарбий округларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қуролли Кучларнинг қўшилмалари ва қисмлари қайтадан жойлаштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қўшинларни бошқариш самарадорлигини анча оширишга, уларни энг муҳим стратегик йўналишларда жамлашга, ҳудудий мудофаанинг ҳақиқий тизимини шакллантиришга имкон беради.

Шу билан бир вақтда Қуролли Кучлар сонини анча камайтиришимиз лозим. Бу шунчаки бир чора, юзаки бир жараён эмас, балки сони ва тузилиши, профессионал таркиби жиҳатидан энг мақбул армияни тузиш юзасидан пухта ўйлаб, ҳисоблаб чиқилган аниқ режалардир.

Армияни қисқартириш натижасида бўшайдиган маблағни биз шартнома билан ишлайдиган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига тўланадиган ҳақни оширишга сарфлаймиз. Бу эса ана шу тоифадаги ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга имкон беради. **Биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим.**

Иккинчи. Илғор мамлакатлар ва армияларнинг тажрибаларини ўрганиш асосида Қуролли Кучларимизни ташкил этиш таркибининг ўзини қуйи бўғинлардан тортиб юқори босқичларгача ва бошқаришни тубдан қайта кўриб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Учинчи. Ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутади. Бу жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилиши лозим.

Тўртинчи. Қуролли Кучларни ҳарбий-техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва янгилаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Армиямиз зарур техника ва қурол-яроғлар билан етарли миқдорда таъминланиши даркор. Бу армия олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Сўнгги вақтда чегара қўшинларини ислоҳ қилиш бўйича амалий чораларни кўряпмиз. Чегарачиларимиз олдида турган асосий вазифалар мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, қўпорувчи-террорчи гуруҳлар ва айрим ёвуз унсурларнинг чегара орқали юртимизга суқулиб киришига йўл қўймаслик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳозирги вақтда чегара қўшинлари — давлатимиз сарҳадларини ҳимоя қилишнинг биринчи эшелонини ташкил этадиган мустақил қўшин туридир.

Шу мақсадда Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси тузилди, чегара минтақалари ва қўмитанинг бошқа ҳудудий бўлинмалари ва қисмлари ташкил этилди. Ҳукумат чегара қўшинларининг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, чегара инфратузилмасини ташкил этиш юзасидан барча зарур чораларни кўрмоқда.

Биз чегараларимизни мустаҳкамлар эканмиз, бу ташқи дунёдан ажралиб қолишга ҳаракат қилаётганимизни билдирмайди, албатта. Ўзбекистон барча қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан, ягона савдо маконини барпо этишдан, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришдан манфаатдордир.

Нияти пок, ғояси соғлом кишилар учун, илмий, маданий ва гуманитар мулоқот учун бағримиз очиқ. Шу билан бир вақтда биз мустақил давлат сифатида, миллий манфаатларимизга амал қилиб, ўз чегараларимизни ишончли ҳимоя қилиш ва қўриқлаш юзасидан зарур чораларни кўришга ҳақлимиз ва мажбурмиз.

Ички ишлар вазирлиги тузилмасида ҳам туб таркибий ислоҳотларни амалга ошириш белгиланган. Ички қўшинлар вазифалари, тузилиши қайта кўриб чиқилди. Уларни ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан анча мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлигини, жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайдиган бўлинмаларни ислоҳ қилиш устида ишламоқдамиз.

Ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг фуқароларни ва жамиятни террорчилик, қўпорувчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизим шакланиши зарур.

Ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим.

Армияни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ислоҳ қилишга доир давлат сиёсатини амалга ошириш фақат мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга қаратилган. Бошқача айтганда, бу жараён ягона мақсадни — ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз XXI аср бўсағасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

ТЕЛЕ дастури
кўрсатувлар

ДУШАНБА, 19

Телетомошабинлар диққатига! Профидактика муносабати билан Душанба, 19 апрель куни «Ўзбекистон»-1 телеканали кўрсатувлари соат 17.10 да бошланади.

«Ўзбекистон» телеканали.

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» (Ўрганч) — «Нефтчи» (Фарғона)
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Шерғо ва шуур».
18.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон табиати». Премьера.
18.40 «Тафсилот».
19.00 «Шу Ватанга бордур менинг қарзим».
19.25,19.55, 20.25, 21.00, 22.20, 23.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Фарака».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Меҳрибон ҳаётим». Мусиқий дастур.
21.50 Миллий кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
22.25 ЎзТВ экранида биринчи марта «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-серия.
23.55 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кўпқари» студияси намойиш этади. («Ким эпчил-у, ким чаққон»)
18.40 «Ақл ёшламас».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ешлар» телеканалида.
19.35 «Ҳиндистон» мусиқий дастур.
19.50, 20.20, 23.25 - Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон» Халқаро шарҳ.
20.45 «Ешлар-куйлаганда».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Ешлар» телеканалида.
21.35 «Кулгига нима етсин».
22.15 «О, ёшлигим...».
22.35 «Олам футболи».
22.45 «Шарқ эстрадаси».
23.20 «Спорт китаси».
23.30 «Ешлар» телеканалида.
23.40 Синема «Қасос».
01.05 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Бриллош». Мультфилм.
18.20 «Сен қаҳинда ва сен ғунч».
18.30 «Телефакт» (Рус тилида)
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Сухбатдош».
20.20 Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ешлар ҳудуди».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Спорт олдида».
22.05 «Ёшлик». Фольклор-этнографик ансамблнинг чиқиши.
22.20 «Марғилон ипаги». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Офисина бари фирибгарлари». Телесериал.
23.35 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 «Кинонигоҳ».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00

14.00-15.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Бинафша».

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

17.00 «Жонли сайёра».

17.15 «Қуйини топинг».

17.45 «Мультчарҳпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Шаҳзода ва қурбақа». 2-қисм.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари»

Россия жамоат телевидениеси.
18.10 «Мовза».
18.55 «Одиссея». 2-серия.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».
20.00 «Время».

20.35 «Филипп Марлоу». Детектив сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Тунги ёруғ».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар мукофоти совриндорлари-1971 йил».
22.50 Кинематограф: «Райн қизи». Бадиий фильм. 1-серия.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Райн қизи». Бадиий фильм. 2-серия.
02.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 21

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 «Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.00 «Оламни асранг!»
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Хунари бор ҳар қўлмас».
9.40 «Гиноман». Г. Жаҳонгиров.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тараққиёт».
10.30 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.00 «Изҳор». Мусиқий-дам олиш дастури.
12.05 «Ватанпарвар».
12.30 Кундузги сеанс: «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-серия.
14.10-14.45 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Сурхондарё вилояти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ёмад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Фермер». Телетанлов.
19.05 «Адолат мезони».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Кодирий «Меҳрибон чаён». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.
21.50 «Санъатим — саодатим». М. Маҳлонов.
22.25 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 40-қисм.
23.15 «Ахборот».

«Тунги ҳамроҳ».

23.45 «Янги авлод».
00.10 «Талабалар саҳнасида».
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Жажжи давра»)
18.40 «Семург». Усмирлар учун кўнгилочар дастур.
18.55 «Клип-антракт».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози».
19.35 «Ракурс». Шуҳрат Ризаев.
20.00 «Спорт-поттоз».
20.10 «Лаззат».
20.30, 00.25 Эълонлар.
20.35 «Спектаклдан сўнг». Мехмонали Салимов (Мукимий театри)
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ешлар» телеканалида.
21.35 «Ешлик наволари».
21.55 «Давр»-интервью.
22.05 «Каталог».
22.15 «Саргузаштлар шаҳоли». Германия.
22.30 «Футбол. УЕФА кубоги».
24.00 «Хит-коллекция».
00.20 «Ешлар» телеканалида.
00.30 Синема. «Мистер Питкин душман орасида». Комедия.
01.55 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Бриллош». Мультфилм.
18.20 «U2» тўлқинида.
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25, 19.55 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Жилва». Қорақалпоғистон фольклор ансамбли ижро этади.
20.30 «Ахборот».
21.05 Эстрада концерти.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Хайрли оқшом».
22.15 «Ёшлик». Фольклор-этнографик ансамблнинг чиқиши.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
23.35 «Қизғу». Тележурнал.
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ.
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00

14.00-15.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Дил изҳори».

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

17.00 «Бу ажиб дунё».

17.15 «Қуйини топинг».

17.45 «Мультчарҳпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Шаҳзода ва қурбақа». 4-қисм.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари»

Россия жамоат телевидениеси
18.10 «Инсон ва қонун».
18.55 «Одиссея». 3-серия
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

20.35 «Филипп Марлоу». Детектив сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: Омар Шариф «Муҳаббат ҳақида миш-мишлар» фильмида.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 22

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Қўшиқка қўчан сатрлар». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 40-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кел, дўстлашайлик». И. Олиқбоев номидаги ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.10 «Спортчилар суловаси».
11.25 «Созимда севги васфи». Мусиқий дастур.
12.05 Кундузги сеанс: «Интеграл». Бадиий фильм.
13.20 «Талаб ва таклиф».
13.40 «Очиқ дарс».
14.10-14.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳрибон чаён». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Бекасам тўплар қиниб...». Мусиқий дастур.
19.05 «Шаҳар бедорвоза эмас».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳрибон чаён». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.
21.50 «Бевосита мулоқот».
22.25 «Отаолар сўзи — оқлинг кўзи».
23.35 «Ахборот».
00.05 «Мусиқа ва замон».
00.35 Сув полоси бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Келинг, танишайлик», мультфилм)
18.40 «Ешлар ва маънавият».
18.50 «Таниши: Ҳосият Нуриллаева».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ешлар» телеканалида.

19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Клип-антракт».
19.55, 20.25, 00.05 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Матбуот».
20.45 «Қалб садолари» Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ешлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Саломат бўлинг».
22.10 «Наволарда оён этсам». Мусиқий дастур.
22.20 «Футбол. Европа кубоклари».
23.50 «Шарқ оҳанглари».
00.05 «Ешлар» телеканалида.
00.10 Синема. «Яшин тезлигида».
01.40 «Мунаввар тонг ислоҳ».

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бриллош». Мультфилм.
9.20 Кунгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Ҳурлиқ» ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
11.40 «Қизғу». Тележурнал.
12.00 «Саодат калити».
12.20 Кичик концерт.
12.45 «Гунчирок». Дам олиш дастури.
13.05 Гиннес-шоу.
13.25 «Кинонигоҳ».
15.05-15.30 «Ешлар ҳудуди».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Бриллош». Мультфилм.
18.30 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.20 Мусиқий доқиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Жума оқшомида».
20.30 «Ахборот».
21.05 Рақслар жилоси.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.05 «Гиннес-шоу».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 «Ҳар жумада». Телекўрсатувлар анонси.
23.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.50 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00

14.00-15.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида).
15.40 «Мюзик-холл».

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

17.00 «СНН-шоу».

17.15 «Джентльмен-шоу».

17.45 «Мультчарҳпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Бремен созандалари»
18.10 Клип-антракт.

Россия жамоат телевидениеси
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.00 «Время».

20.35 «Филипп Марлоу». Детектив сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Қурдашан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: Жан Маре «Қонитон» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 Киносеанс: «Терминатор». Бош ролда А. Шварценггер.
02.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 24

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Телевизион миниатюралар театри».
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Азим Суюн». Премьера.

«Умид» намойиш этади:

10.10 «Қизғу».
10.35 «Талабалик йилларим».

10.55 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
11.10 «Ёш ижрочилар концерти».
11.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳрибон чаён». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.
12.25 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.40 «Ғолиблиқ: бугун ва эртага».
14.00-15.25 Кундузги сеанс : «Шаҳризоданинг охирги туни». Бадиий фильм. 3-серия.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Ғулғулчалар».
18.10 «Ойла». Тележурнал.
18.30 «Иктисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Отаолар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.05 «Қишлоқ ҳаёти».
22.25 «Келин-куёв». Телешоу.
23.15 «Ахборот».

«Тунги ёғду» Дам олиш дастури:

23.45 «Куй ва тасвир».
00.05 Бадиий фильм.
01.30 Сув полоси бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Бизнес-академия».
10.10 «Наволарда оён этсам».
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Ешлар» телеканалида.
10.50 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 40-қисм.
11.45 «Ешлик наволари».
12.00 «Лаззат».
12.20 «Гамаяна». Телесериал.
12.55 «Мирзиз Муҳамедов қуйлайди».
13.20 «Бегойим».
13.40 «Цирк, цирк, цирк».
14.00 «Ғулғуннинг болоси».
14.20 «Рақсвар жилоси».
14.30 «Премьерадан сўнг».
14.50 «Саломат бўлинг».
15.10 «Қалб таронаси».
15.25 «Ўзбекистон қанотлари».
15.35 Синема.
17.15 Мусиқий глобус

17.35 «Якшанба — болалар учун».
17.55 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта таноффус»)
18.35 «Миллионлар ўйини».
18.55 «Ешлар» телеканалида.
19.00 «Давр» Ахборот дастури.
19.30 «Шифоҳ».
19.50, 20.25, 22.55 Эълонлар.
19.55 «Ғамаяна». Телесериал.
20.30 «Дуне ҳаёт нечоғ».
20.55 «Клип-антракт».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ешлар» телеканалида.
21.35 «Сен азиз ва муқаддассан аёл». Мусиқий дастур.
22.35 «Рақс».
23.00 «Сен азиз ва муқаддассан аёл». Мусиқий дастур. (давоми)
00.35 «Тонг юлдузи»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бриллош». Мультфилм.
9.20 «Жозиба».
9.40 «Сонсет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.25 «Эй ара инсон ҳаёз».
10.45 Х. Косимов, А. Сланим «Наврузбекнинг саргузаштлари» Спектакль.
11.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
12.05 Болажонлар экрани.
13.35 «Ишқаги ишқ ёки...».
14.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
14.20 «Реал бланко».Телесериал.
15.05 Санъаткор ижоди. «Ибрат».
15.35 «Спорт-тайм».
16.00 «Фаровонлик бекати».
16.20 «Гакрорий фильмлар экрани».

18.00 «Якшанбадан-якшанбагача».
18.15 «Мультқумбоқ».
18.35 «Латифа».
18.50 «Камолот сари».
19.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тақлиннома» (рус тилида)
20.05 «Истиқлол» туғуғи қуйлайди.
20.30 «Тақлиннома».
21.15 Диларом наволари.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Доллас». Телесериал.
22.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.00 «Хорож ҳангомаси».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 «Кинонигоҳ».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳри оламни».
10.25 «Дарле ву фрэнсэ?»
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 «Оскар мукофоти совриндорлари — 1971 йил».
11.20 Кинематограф: «Райн қизи». 1-2 серериялар.
14.20 «Фан-тайм» (болалар учун инглиз тили)
14.30 «Саҳро ёшлари».
14.55-15.40 «Дўстлик» видеоканали: «Лидер», «Айчурек».

17.00-18.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Гиндашлар».
18.45 «Мюзик-холл».
19.45 «Ку ажиб дунё».
19.00 «Бурҳон» бошқаруви.
Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.40 «Уорнер Брэдерс» тақдим этади: Харрисон Форд «Қочоқ» саргузашт жанрли фильмида.

22.55 Якшанба кинозали: «Бродвей ҳаёт ўлари». Бадиий фильм.
00.35 «Тақлиннома» (рус тилида)
01.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.10 «Бизнес-академия».
9.30 «Наволарда оён этсам».
9.35 «Бизнес-академия».
9.50, 20.40, 23.30 Эълонлар.
19.55 Ешлар телеканалида премьера. «Рамазана». Телесериал. (Ҳиндистон)
20.45 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастур.
21.30 «Ешлар» телеканалида.
21.35 «Туйғу». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига бағишланади.
21.50 «Клип-антракт».
21.55 «Кинотақдим».
22.15 «Спорт ҳафтономаси».
22.25 «

Мардлар қўриқлайди Ватанни

ШОН-ШАРАФ ИШИ

Шу йилнинг 14 апрель куни вилоят чақирув манзилгоҳидан йигитларимиздан бир гуруҳи Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўташ учун ҳарбий хизматга жўнаб кетдилар

ЙИГИТ учун ўз Ватанини, ўз халқининг тинчлигини, хавфсизлигини таъминлашдан шарафлироқ, муқаддасроқ бурч йўқ. Айниқса, бугун Ўзбекистонимиз ўз мустақиллиги йўлида собитқадам билан олға бораётган бир паллада унинг равнақига, келажагига, даҳлсизлигига ҳисса қўшмоқ чиндан ҳам шон-шараф ишидир.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунданоқ мамлакатимиз Куролли Кучларини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўтаётган йигитларимиз, зобитларимиз тўғрисида алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Айни пайтда республикамизда армиямизни янада шакллантириш ва ислоҳ қилиш йўлидан борилмоқда. Бу тамойилларнинг ҳаммаси мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали, ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Куролли Кучларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида маъруза қилган Юртбошимиз бу масала хусусида алоҳида тўхталиб, шундай дедилар: «Биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки, амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим». Албатта, бу сўзлар бугун ўз бурчини ўташ учун хизматга отланган ҳар бир йигит қалбида фахр-ифтихор ва юксак масъулият ҳиссини уйғотади. У бугун ўзининг қанчалик эътиборда эканлигини теран англайди.

Шу йилнинг 14 апрель куни вилоят чақирув манзилгоҳида 1999 йил баҳорги чақирувнинг бошланиши муносабати билан бўлиб ўтган йиғинда бу сўзлар бот-бот такрорланди.

Анжуманни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят чақирув комиссиясининг раиси Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда шаҳар, туман ҳокимлари муовинлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, зобитлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Вилоятимизда баҳорги чақирувнинг бошланиши муносабати билан маъруза қилган вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Раҳматилла Тошхўжаев вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан ҳарбий хизматга борган йигитларнинг аксарияти ўз бурчларини садоқат билан бажараётганликларини фахр билан тилга олди. Ҳар йили ҳарбий қисм ва бўлинмалардан вилоят мудофаа ишлари бошқармасига, ота-оналарга сон-саноқсиз раҳматномалар ва миннатдорчилик хатлари келиб турипти. Уларнинг орасидан кўплаб зобитлар етишиб чиқмоқда.

Бугун ўн саккиз ёшга тўлиб, ўз бурчини ўташга отланган йигитлар зиммасида ҳақиқатан ҳам қатта масъулият турипти. Чунки, Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини кўролмаётган ички душманлар ва ташқи кучлар бор. Шу йил 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеалар буни яна бир бор яққол кўрсатди. Шундай экан, бўлажак аскарларимиз Ватанимиз даҳлсизлигини ва халқимиз хавфсизлигини таъминлаш йўлида янада хушёр ва ғайратшижоатли бўлмоқликлари керак.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, буни йигитларимиз ҳам, ота-оналаримиз ҳам чуқур ҳис этмоқдалар. Йиғилишда сўзга чиққан бир гуруҳ чақирилувчилар, ота-оналар мустақиллигимизни ҳеч кимга бермаслигимизни, уни кўз қорачиғидек асрашимизни, Ватанга содиқ аскарлар ва зобитлар тарбиялаб беражакларини айтдилар.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз. Вилоятимизда муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирув мавсуми фақат ёшларимиз учунгина эмас, ота-оналар, давлат, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари учун ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам улар бундай тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар. Ўз фарзандларига оқ йўл тиламоқдалар.

Шу куни ҳам чақирилувчиларга «Камолот», «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари, қатор жамоат ташкилотлари, шаҳар, туман ҳокимликларининг вакиллари ўз эсдалик совғаларини топширдилар. Санъаткорларимиз куй ва қўшиқлари билан кўнгилларни хушнуд этдилар.

...Жанговар марш садолари остида саф тортган йигитлар шаҳдам қадамлар билан Ватан ҳимоясига йўл олдилар. Уларнинг руҳлари тетик, қадамлари мустаҳкам. Бундай ёшларга Ватан ҳимоясини, юрт сарҳадларини, халқ ишончини, буюк келажагимиз марраларини топширсак бўлади. Улар зиммаларидаги муқаддас ишни садоқат билан адо этадилар.

Ф. ФАТТОҲОВ.

СУРАТЛАРДА: вилоят чақирув манзилгоҳида бўлиб ўтган тантанадан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Воқеалар қуршовида

● АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним ва Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов Норвегия пойтахти — Осло шаҳрида учрашдилар. Улар Косово можароси атрофидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

● БМТ бош котиби Кофи Аннан Испанияга расмий ташриф буюрди.

● БЕЛЬГИЯ пойтахти Брюсселда Парламентлараро Иттифоқнинг 101-конференцияси ўз ишини якунлади. Унда 118 мамлакат вакиллари иштирок этдилар.

● РОССИЯ Давлат Думаси ўзининг чоршанба куни ўтказилган ялпи мажлисида президент Б. Ельцинга нисбатан импичмент кўзғаш масаласини май ойининг ўрталарига қолдирди.

● РОССИЯ бош прокуратураси МДҲнинг собиқ ижрочи котиби Б. Березовскийга нисбатан жиноий иш кўзғаш ва уни ҳибсга олиш тўғрисидаги қарорини бекор қилди. Бу ҳақда бош прокурор ўринбосари М. Катишев маълум қилди.

● ЯМАН Республикаси ҳукумати мустақил Фаластин давлати эълон қилиниши тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлаяжаклигини билдирди. Яман давлати бошлиғи Али Абдулло Солиҳ ўз баёнотида юқоридаги фикрни тасдиқлади.

● ХИТОЙ ершуносларининг Синцзян (Уйғур мухтор ўлкаси)да 560 миллиард куб метрдан зиёд заҳирага эга бўлган табиий газ конини топдилар.

● МАЛАЙЗИЯ Олий суди мамлакатнинг собиқ бош вазири Анвар Иброҳимни олти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Унинг тарафдорлари ҳукмдан норози эканликларини билдирдилар.

● БЕЛАРУС президенти А. Лукашенко Югославия пойтахти Белградга сафар қилди. У президент Слободан Милошевич билан Косово муаммосини сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўллари юзасидан фикр алмашди.

● Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари «Тришул-99» деб номланган кенг қамровли ҳарбий машқлар ўтказдилар. Унда 300дан зиёд тайёралар, кўп сонли танклар, зирҳли машиналар ва пиёда қўшинлари қатнашди.

ХАЛҚ ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШИ КЕРАК

ЮГОСЛАВИЯ маъмурлари мамлакат ҳудудида фаолият юргизаётган хорижий оммавий ахборот воситалари эшиттиришлари ва кўрсатувларини анчадан бери «исканжага олганлиги» боис қатор мамлакатларда норозилик уйғонди.

У ерда фақат мавжуд тузум «карнайига ўйнайдиган» нашрларгина чоп этиб турилди. Телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ҳам шу алфозда давом этди.

Куни кеча АҚШ телерадио хизмати бошлиқлари кенгашининг раиси Марк Натансон Югославия халқи учун алоҳида эшиттириш тизилмаси ишга тушганлигини хабар қилди. «Халқ ҳақиқатни билиш керак», деди кенгаш раиси.

Овруподаги «Америка овози» ва «Озод Оврупо» радиостанциялари эндиликда ўз дастурларининг «FM доираси»га кирувчи эшиттиргичлар окрали олиб боради. Эшиттиришлар Белград шаҳри ҳамда Шимолий Сербия ҳудудларини қамрайди. Кейинчалик ахборот майдони бутун Югославияга ёйилади.

Эшиттиришлар қайси мамлакат ҳудудидан амалга оширилаётганлиги ҳозирча сир сақланмоқда. Асосий нуқталар Босния, Болгария ёхуд Руминияда бўлиши мумкин. Ахборотлар серб, босния, хорват, албан ҳамда инглиз тилларида янграмоқда. «Америка овози» радиостанциясининг Жанубий Оврупо бўлими раҳбари, асли албан миллатига мансуб Френк Шкрелининг гапларига қараганда, Косово ва Сербиядаги ўз касбдошлари эндиликда фаол равишда ишга киришишлари мумкин.

МАНУЭЛ ЭЛ БЎЛМАГАН ЭКАН

ЯҚИНДА Буюк Британия парламентининг лордлар палатаси Чилининг собиқ мустабид ҳукмдори Аугусто Пиночетни даҳлсизлик мақомидан мосуво этганлигини хабар қилган эдик. Эндиликда унинг фаолиятига доир янги-янги маълумотлар юзага чиқмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, А. Пиночет Испания судига бериладими, йўқми? Бу можарога ҳам бугун-эрта нуқта қўйилиши кутилмоқда. Ана шундай бир вазиятда Испания судьяси Бальтасар Гарсон «ўткир юриш» қилди. Унинг қўлидаги «нозик ва қалтис» ҳужжатлар А. Пиночетнинг ҳукмдорлик даврида амалга оширган хунук ишларининг «хашагини очди».

Б. Гарсон ўз қўлидаги ҳужжатларни айни пайтда Чили қамоқхонасида ўтирган, Чилининг собиқ махфий хизмат маҳкамаси — ДИНА раҳбари генерал Мануэл Контрерасдан олганлигини яширмаётир.

Ёв қочса, ботир кўпаяр, деганларидек, М. Контрерас «Кондар операцияси» деб аталган ишга дахлдор ёпиқ ҳужжатларни Б. Гарсонга ҳавола этган. Мазкур режага биноан 1970-йилларда қатор қотилликлар амалга оширилган эди. Хусусан, 1976 йилда Вашингтонда Чилининг собиқ ташқи ишлар вазири Орландо Летельер ўлдирилди. Ана шундай қотилликлардан 40таси «бажо келтирилди». Яқинда эса яна 11та иш юзасидан ҳужжатлар қўлга киритилди.

Бундай гаплар қулоғига етган А. Пиночет «яшонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга», деган нақл рост экан-ов, деб қатиқ хафа бўлмоқда. Чунки, у Испанияда суд қилинадиган бўлса, собиқ ҳукмдор аҳволига маймунлар йиғлаши турган гап.

ҲАМКОРЛИК — ЯХШИ, ҚАРЗ — ЁМОН

ОВРУПО Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) келгуси икки йил мобайнида Украина хусусий секторини ривожлантириш, мамлакат молиявий тизимини кучайтириш, энергетика соҳасини соғломлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалик соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасида устувор йўналишларни белгиламоқда. ЕТТБнинг Украинадаги вакили Ярослав Кинах шундай баёнот берди.

Шу муносабат билан ЕТТБ Украинага катта миқдорда қарз беришни режалаштирмоқда. Лекин, бу тамойилни айримлар маъқул топса, айримлар бу яхшиликка олиб келмайди, демоқдалар. Чунки, қарзни узишнинг ўзи бўлмайди. Баёнотда қайд этилишича, ЕТТБ билан Украина ҳамкорлиги доирасида 1999 йилда мамлакат давлат секторида 199,3 миллион евро қийматига тенг бўлган тўртта лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда.

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

● ЖАНУБИЙ Кореянинг «Самсунг электроникс» фирмасида инсоният тарихида биринчи марта қўл соати шаклидаги телефон кашф этилди. Унинг оғирлиги 50 грамм, узунлиги 67 мм., кенглиги 57 мм., қалинлиги бор-йўғи 2 мм. Бу мўъжаз аппарат чақирувда бемалол 60 соат ишлайди. Унинг ёрдамида бир йўла тўхтовсиз 1,5 соат гаплашиш мумкин. Боз устига аппарат қўшимча 30 хил жараёнларни амалга оширади. Шу ой охирида ушбу супер-телефонлар сотувга чиқарилади.

● АҚШда Жек Кеворкиен деган шифокор 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди. Ушбу оқ халатли «ажал дўхтири» сўнгги йиллардаги фаолияти давомида 130 нафардан кўпроқ кишини уларнинг ўз хоҳишига биноан у дунёга жўнатган. Ж. Кеворкиен эътиқодига кўра одамларни қийноқ азобидан халос этиш хайрли иш ҳисобланади. У етти йилдан кейингина олий судга норозилик хати йўллаши мумкин.

● РОССИЯНИНГ Тюмень вилоятида биринчи бор СПИДга чалинган чақалоқ туғилди. Ушбу дардга қарши кураш вилоят бошқармаси вакилининг айтишича, болакайнинг онаси сурункали равишда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб келган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур минтақада «XXI аср вабоси»га чалинганлар сони тобора ортиб бормоқда. Ҳозир улар 416 нафарга етди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

O'ZBEKISTON 1999 CHEMPIONATI

«ДЎСТЛИК» МУХЛИСЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАМОҚДА

КУНИ кеча олий табақа жамоалари мамлакат саккизинчи миллий чемпионатининг бешинчи тур ўйинларини ўтказдилар.

Бу турда ҳам вилоятимизнинг «Дўстлик» ва «Металлург» жамоалари муваффақиятли қатнашдилар.

«Дўстлик» жамоаси ўз майдонида сўнгги уч турда кетма-кет ғалаба қозонган Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилди. Бу учрашуда жароҳат олганликлари туфайли «Дўстлик»нинг етакчи ўйинчилари Хабибуллин, Маъруфалиев, Ҳасанов майдонга туша олмадилар. Шунга қарамай, учрашувнинг қизиқарли бўлишини кутган футбол мухлислари адашмадилар. Ўйиннинг бошиданоқ ҳар икки жамоа фаол ҳаракат қилиб, чиройли ўйин намойиш қилдилар. Биринчи бўлиб меҳмонлар ҳужумчиси Обидов майдон эгалари дарвозасига 32-дақиқада тўп киритиб, ҳисобни очишга эришди. Қарши ҳужумни кучайтирган майдон эгалари 35-дақиқада жавоб тўпи киритиб, ҳисобни тенглаштиришга эришдилар. Тўпни Кузнецов киритди. Майдон эгалари иккинчи бўлиннинг бошидаёқ кетма-кет рақиб дарвозасини «ўққа» тутиб, 58-дақиқада олдинга чиқиб олдилар. «Насаф» жамоаси дарвозасига иккинчи тўпни Павел Кейгородов киритди. Ҳужумкор ўйинни бўшаштирмаган майдон эгалари 80-дақиқада рақиб дарвозаси томон белгиланган 11 метрлик жарима тўпини киритиб, ҳисобни 3:1га етказдилар. Учинчи тўп муаллифи ўйинда фаол ҳаракат қилиб, мухлисларни ҳушнуд этган Мухтор Курбонов бўлди. Икки жамоа ўринбосарларининг учрашувида майдон эгалари меҳмонларга 1:2 ҳисобида бой бердилар.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси бу йилги чемпионат дебютанти «Янгиер» меҳмони бўлди. Шуниси қувончлики, улар майдонда ҳайиқмай фаол ҳаракат қилдилар. Қизиқарли ўтган учрашувнинг 77-дақиқасигача 0:0 ҳисоби сақланиб турди. «Металлург» ўйинчиси Мирҳолдиршоев ўйин тақдирини ҳал қилган ягона тўпни саккизинчи дақиқада «Янгиер» дарвозасига киритди. «Металлург» сафарда ғалаба қўлга киритди ва 3 очкони қўлга киритди.

Шу турнинг марказий ўйинларидан бири — «Самарқанд» — «Суғдиёна» учрашувида чемпионатнинг муваффақиятли ўтказаётган майдон эгалари аҳиллик билан тўп суриб, ўйиннинг биринчи дақиқасидаёқ ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Учрашувнинг ўн биринчи дақиқасида меҳмонлар ҳимоячилари қўпол хатога йўл қўйдилар ва учрашув ҳаками улар дарвозаси томон 11 метрлик жарима тўпи белгилади. «Самарқанд» ҳужумчиси Жафар Ирисметов жарима тўпидан унумли фойдалана олмаса-да, Р. Бозоров 32-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Биринчи бўлим 1:0 ҳисобида якунланди. Иккинчи бўлимнинг 58-дақиқасида Абдурахмонов, 59-дақиқасида Бозоров икки бор меҳмонлар дарвозасини ишғол қилдилар.

Сўнгги тўртинчи тўпни Жафар Ирисметов учрашувнинг сўнгги дақиқаларида киритди ва ҳисобни 4:0га етказди. «Самарқанд» мухим учрашувни қўлга киритиб, жадвалда иккинчи ўринга чиқиб олди.

Қўқонда «Темирйўлчи» «Пахтакор»ни қабул қилиб, 3:2 ҳисобида ғолиб чиқди. Тўғрироғи буни кўпчилик кутмаган эди. Лекин майдон эгалари учинчи дақиқадаёқ (Отажонов) чемпион дарвозасини ишғол қилдилар. Ўйиннинг еттинчи дақиқасида эса Мамажонов ҳисобни 2:0га етказди. Пахтакорчилар ҳужумчиси Игорь Шквирин 21-дақиқадагина биринчи жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, «Пахтакор» ўйинчиси Ниғматов иккинчи тўпни киритиб, ҳисобни тенглаштирди. Майдон эгаларига ғалаба келтирган ҳал қилувчи учинчи тўпни чемпион дарвозасига Курбонов киритди.

Турнинг марказий ўйинларидан бири Наманган шаҳрида «Навбаҳор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтказилди. Ўйин ҳар икки жамоанинг ғалабага бўлган ҳаракатлари остида ўтди ва жуда кўп хавфли вазиятлар яратилди. Биринчи бўлимда дарвозалар даҳлсизлиги сақланиб қолди. 50-дақиқадагина Солиев «Нефтчи» дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Орадан 6 дақиқа ўтгач, меҳмонлар ҳужумчиси Сергей Ни жавоб тўпини киритди ва ҳисобни тенглаштирди. Учрашувнинг 64-дақиқасида Солиев «Навбаҳор»га ғалаба келтирган тўпни рақиб дарвозасига киритди. Ўйин 2:1 ҳисобида «Навбаҳор» ғалабаси билан тугади.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Андижон» — «Хоразм» — 1:2, «Сурхон» — «Зарафшон» — 3:1, «Трактор» — «Бухоро» — 2:4.

Навбатдаги олтинчи тур 18 апрель куни ўтказилади. Унда вилоятимиз вакили ва жадвал пешқадами «Дўстлик» Навоийда «Зарафшон» билан баҳслашади. «Металлург» эса ўз майдонида «Темирйўлчи»ни қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.

Энди эътиборингизга чемпионатнинг бешинчи туридан сўнг жамоаларнинг жадвалда тутган ўринларини ҳавола этамиз.

ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ЖАДВАЛДА ТУТГАН ЎРНИ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	5	4	1	0	12:5	13
2. «Самарқанд»	5	4	1	0	10:3	13
3. «Хоразм»	5	4	0	1	8:3	12
4. «Нефтчи»	5	3	1	1	10:5	10
5. «Навбаҳор»	5	3	0	2	9:6	9
6. «Насаф»	5	3	0	2	8:7	9
7. «Пахтакор»	5	2	1	2	12:8	7
8. «Бухоро»	5	2	1	2	11:11	7
9. «Сурхон»	5	2	1	2	8:8	7
10. «Суғдиёна»	5	2	1	2	10:11	7
11. «Темирйўлчи»	5	2	1	2	8:13	7
12. «Металлург»	5	1	1	3	4:7	4
13. «Трактор»	5	1	1	3	10:15	4
14. «Андижон»	5	1	0	4	5:9	3
15. «Зарафшон»	5	0	1	4	5:11	1
16. «Янгиер»	5	0	1	4	2:10	1

Очиқ турдаги «Тошкент почтаси» Акционерлик жамияти (Умумий йиғилиши)нинг

1998 йил якунлари бўйича йиллик умумий ҳисобот мажлиси 1999 йил 17 май куни, соат 10.00да Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси 3-уйда жойлашган Вилоят Ижтимоий таъминот бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ

1. 1998 йил якуни бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи ҳамда 1999 йилдаги асосий вазифалар тўғрисида.
2. Акционерлик жамиятининг 1998 йил учун даромад ҳисобини ва йиллик балансни тасдиқлаш.
3. Акционерлик жамиятининг 1998 йилги тафтиш комиссияси ҳамда акционерлик жамиятининг аудиторлик хулосаларини тасдиқлаш.
4. 1998 йил якуни бўйича соф фойданинг тақсимланишини тасдиқлаш. Дивидентлар миқдори ва уларнинг тўлов тартибини тасдиқлаш.
5. Жамият фаолиятига оид турли масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғонида жойлашган «Тошкент вилоят савдо» Акциядорлик компаниясига қарашли 11-сонли омбор-дўконда (олдинги Олмазор қурилиш моллари ва тахта омбори) кенг турдаги қурилиш ва хўжалик моллари:

1. Металл
2. Шифер
3. Цемент
4. Линолиум
5. Трубалар
6. Бўёқлар
7. Лаклар
8. Мих
9. Пластмасса буюмлар
10. Ҳар хил турдаги хўжалик буюмлари
11. Идиш-товоқлар
12. Чинни идишлар
13. Асбоб-ускуналар
14. Электр двигателлар ва электр анжомлар
15. Кафель

ва бошқа турдаги хўжалик ва қурилиш моллари билан чакана ва улгуржи савдо қилиш ташкил этилди.

Маълумот учун телефонлар: 55-83-42. Чинозда: (8-259) 36-185.

Об-хаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 18-21 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Ҳафта давомида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади. Кундуз кунлари 21-26 даражадан 14-19 гача, кечалари эса 8-13 даражадан 3-8 гача ҳарорат пасайиши мумкин.

1991 йилда Чиноз туманидаги Ғафур Ғулом номли 40-ўрта мактаб томонидан Юсупов Рустам Маҳмудович номига берилган 003926 рақамли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийўл туманидаги «Клара» хусусий тиббиёт фирмасининг 1996, 1997, 1998 йилларидаги бухгалтерлик ҳисоб-китоб ҳужжатлари тахлами (4та) йўқолган.

Уни топиб, қайтарганларга мукофот бор.

Халқобод қўрғони, Дўстлик кўчаси, 5-уйга ёки 74-440 (код 3712-258) рақамли телефонга қўнғироқ қилинг.

Чирчиқ шаҳридаги 12-гимназия томонидан 1998 йили Сарикова Гулмира Тўйчибоевна номига берилган 642187 рақамли 9-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

А. Абдурахмонов номли Тошкент политехникуми қошидаги «КАМОЛОТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИНГ 20212000903706048001 сонли ҳисоб рақами

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан сўнг бир ой мобайнида 29-41-53 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0268. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6